

УДК: 614.2:616-074:911.3(575.172)

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА ЛАБОРАТОР-ДИАГНОСТИК ХИЗМАТЛАРНИНГ ҲУДУДИЙ ТАРМОҒИНИ БАҲОЛАШ



Нурметова Юлдуз Балтаевна

Урганч давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Урганч ш.

ОЦЕНКА ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ СЕТИ ЛАБОРАТОРНО-ДИАГНОСТИЧЕСКИХ СЛУЖБ В МЕДИЦИНСКИХ УЧРЕЖДЕНИЯХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

Нурметова Юлдуз Балтаевна

Ургенчский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Ургенч

ASSESSMENT OF THE TERRITORIAL NETWORK OF LABORATORY AND DIAGNOSTIC SERVICES IN MEDICAL INSTITUTIONS OF THE KHOREZM REGION

Nurmetova Yulduz Baltayevna

Urgench State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Urgench

e-mail: nurmetovayulduz132@gmail.com

Резюме. Мазкур тадқиқот Хоразм вилояти тиббиёт муассасаларида лаборатор-диагностик хизматларнинг ҳудудий тармоғини баҳолаш ва уни такомиллаштириш имкониятларини аниқлашга бағишланган. Тадқиқот материали сифатида 2021–2024-йиллар давомида вилоятда фаолият юритган лаборатория бўлимларига оид расмий статистик маълумотлар, жорий ҳисобот ҳужжатлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинди. Олинган маълумотларга кўра, вилоятда жами 435 та лаборатория фаолият юритиб, улар клиник, биокимёвий, серологик лабораториялар ҳамда бирламчи тиббий бўгин муассасалари таркибидаги лабораторияларни қамраб олади. Статистик таҳлил вариацион усуллар ёрдамида амалга оширилди. Тадқиқот натижалари Хоразм вилоятида лаборатор-диагностик хизматлар тармоғи шаклланганлигини ва аҳолининг асосий эҳтиёжларини қондиришга қодир эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга, ихтисослаштирилган лабораториялар сонини кўпайтириш, ҳудудий номуносивбликни камайтириш ҳамда лаборатор хизматлар сифатини ошириш зарурлиги аниқланди.

Калим сўзлар: лаборатор диагностика, ҳудудий тармоқ, хизмат сифати, тиббиёт муассасалари, Хоразм вилояти.

Abstract. This study is aimed at assessing the territorial network of laboratory diagnostic services in medical institutions of the Khorezm region and identifying ways for its improvement. The research materials included official statistical data, current reporting documents, and regulatory legal acts governing the activities of laboratory units for the period 2021–2024. It was found that a total of 435 laboratories operate in the region, including clinical, biochemical, and serological laboratories, as well as laboratories within primary healthcare institutions. Statistical data were processed using methods of variation statistics. The results indicate that a structured network of laboratory diagnostic services has been established in the Khorezm region and is capable of meeting the Basic healthcare needs of the population. However, there is a need to increase the number of specialized laboratories, reduce territorial disparities, and improve the quality of laboratory services.

Keywords: laboratory diagnostics, territorial network, quality of service, medical institutions, Khorezm region.

Кириш. Соғлиқни сақлаш тизимида лаборатор-диагностик хизматлар тиббий ёрдамнинг барча босқичларида — профилактика, ташхис қўйиш, даволаш самарадорлигини баҳолаш ва диспансер кузатув жараёнларида ҳал қилувчи аҳамият касб этади [6]. Замонавий тиббиётда клиник қарорларнинг катта қисми лаборатория таҳлиллари натижаларига

асосланиши туфайли мазкур хизмат тури соғлиқни сақлаш инфратузилмасининг стратегик таркибий қисми ҳисобланади.

Лабораториялар тармоғининг ҳудудий жиҳатдан оқилона ташкил этилиши аҳолининг диагностик хизматлардан ўз вақтида, узлуксиз ва тенг даражада фойдаланишини таъминлайди [8]. Ҳудудий мутаносиблик принципига амал

қилинмаган шароитда тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти чекланиши, аҳоли ўртасида соғлиқ кўрсаткичларида номутаносиблик юзага келиши мумкин. Шу боис лаборатория хизматларининг ҳудудий ташкил этилиши соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлиги ва барқарор ривожланишида муҳим омил сифатида қаралади.

Илмий манбаларга кўра, лаборатория хизматлари тармоғининг нотекис жойлашуви диагностика жараёнининг кечикишига, айрим муассасаларда ортқча юкланишга, бошқа ҳудудларда эса ресурслардан самарасиз фойдаланишга олиб келиши мумкин [9]. Бу ҳолат тиббий хизматлар сифатининг пасайишига, ташхис қўйиш муддатининг чўзилишига ва беморлар оқимини номутаносиб тақсимланишига сабаб бўлади. Шу нуктаи назардан, ҳар бир ҳудудда лабораториялар тармоғини илмий асосда баҳолаш ва уни оптималлаштириш соғлиқни сақлашни бошқаришнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади [5].

Клиник ва биокимёвий лабораторияларнинг юқори улуши аҳоли орасида умумий клиник текширувларга, модда алмашинуви бузилишлари, юрак-қон томир, эндокрин ва бошқа кенг тарқалган касалликлар диагностикасига бўлган эҳтиёжнинг юқорилигини кўрсатади [2]. Бу эса бирламчи ва ихтисослашган тиббий ёрдам босқичларида лаборатор таҳлилларнинг аҳамияти ошиб бораётганини англатади.

Оилавий поликлиникалар ва шифокорлик пунктларида лабораторияларнинг мавжудлиги бирламчи бўғин тиббий ёрдам тизимида диагностика хизматларининг интеграциялашуви кучайиб бораётганини кўрсатади [10]. Бирламчи даражада лаборатор имкониятларнинг кенгайиши касалликларни эрта аниқлаш, профилактик текширувларни амалга ошириш ва аҳоли саломатлигини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, серологик ва бошқа ихтисослаштирилган лабораториялар сонининг чекланганлиги юқумли, иммунологик, онкологик ва бошқа мураккаб касалликларни чуқур диагностика қилиш имкониятларини маълум даражада чеклаши мумкин [3]. Замонавий соғлиқни сақлаш тизимида юқори технологик ва ихтисослаштирилган лаборатория хизматларининг улушини ошириш эпидемиологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда касалликларнинг эрта скринингини ташкил этишда муҳим ўрин тутди.

Лабораториялар тармоғининг ҳудудий қамрови аҳолининг диагностик хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради ва тиббий ёрдамнинг барча босқичларида

узвийликни таъминлайди [7]. Бирок лабораториялар сони билан бир қаторда уларнинг техник жиҳозланиш даражаси, автоматлаштириш ҳолати, сифат назорати тизимининг мавжудлиги ҳамда малакали кадрлар билан таъминланганлиги хизматлар сифатига бевосита таъсир кўрсатади [1].

Шу сабабли лабораториялар тармоғини ривожлантириш жараёнида фақат миқдорий кўрсаткичлар эмас, балки сифат омиллари — ускуналарнинг замонавийлиги, кадрлар салоҳияти, лаборатория ахборот тизимлари жорий этилганлиги ва ички-ташқи сифат назорати механизмлари ҳам комплекс баҳоланиши зарур [4].

Юқорида келтирилган ҳолатлар Хоразм вилоятида лаборатор-диагностик хизматлар тармоғининг ҳудудий ташкил этилиши, таркибий тузилмаси ва ривожланиш даражасини комплекс баҳолашни талаб этади. Мазкур тадқиқот ана шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди ва соғлиқни сақлаш тизимида лаборатория хизматларини оптималлаштириш бўйича илмий асосланган ҳулосалар ишлаб чиқишга қаратилди.

Материал ва усуллари: Мазкур тадқиқот Хоразм вилояти тиббиёт муассасаларида лаборатор-диагностик хизматларнинг ҳудудий тармоғини баҳолаш, уларнинг ташкилий тузилмаси, жойлашув зичлиги ва фаолият кўрсаткичларини таҳлил қилиш мақсадида амалга оширилди. Тадқиқот услубий тавсиянома асосида комплекс, тавсифий-аналитик ва қиёсий таҳлил усуллари ўз ичига олган ҳолда олиб борилди.

Тадқиқот объекти сифатида 2021–2024-йиллар давомида Хоразм вилоятида фаолият юритган давлат тиббиёт муассасалари таркибидаги лаборатория бўлимлари танлаб олинди. Тадқиқот предметини лаборатор-диагностик хизматларнинг ҳудудий жойлашуви, лаборатория турлари бўйича тақсимланиши, уларнинг сони ва ташкилий шакли ташкил этди.

Тадқиқот материали сифатида Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг расмий статистик ҳисоботлари, жорий йиллик ҳисобот ҳужжатлари, тиббиёт муассасаларининг ташкилий тузилмасига оид маълумотлар, шунингдек амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилди.

Таҳлил жараёнида жами 435 та лаборатория фаолияти ўрганилди. Улар таркиби қуйидагича бўлди: клиник лабораториялар — 153 та, биокимёвий лабораториялар — 150 та, оилавий поликлиникалар лабораториялари — 72 та, оилавий шифокорлик пунктлари лабораториялари — 31 та, қишлоқ врачлик пунктлари лабораториялари — 3 та, серологик лабораториялар — 21 та, СПИД марказлари лабораториялари — 5 та.

Жадвал 1. Вилоятдаги лабораторияларнинг тақсимланиши

№	Туманлар	ТТБ	ОП	Поли- клиника	ҚВП	ОШП	Бошқа тиббий му- ассасалар	Жами	
								Клиник ла- боратория	Биохимик лаборатория
1	Шовот	1	8	1	-	3	-	13	13
2	Урганч ту- мани	1	7		-	3	-	11	11
3	Хонқа	1	6	1	-	3	2	12	12
4	Боғот	1	8	1	-	3	-	13	13
5	Янгиариқ	1	4	1	-	4	-	9	9
6	Хива	1	6	1	-	3	4	15	13
7	Хива шаҳри	1	1	1	-	-	-	3	2
8	Хазорасп	1	7	1	-	5	-	14	14
9	Гурлан	1	7	1	-	3		12	12
10	Тупроққалъа	1	-	-	-	4	-	5	5
11	Янгибозор	1	3	1	3	-	-	8	8
12	Қўшқўпир	1	11	1	-	-	-	13	13
13	Марказлар	-	-	4	-	-	-	11	11
14	Диспансер- лар	-	-	5	-	-	-	5	5
15	Шифохона	-	-	-	-	-	-	3	3
16	Марказий поликлиника	-	4	1	-	-	1	6	6
	Жами:	12	72	20	3	31	7	153	150

Лабораториялар ҳудудий тақсимооти шаҳар ва туман кесимида ўрганилиб, аҳоли сонига нисбатан лабораториялар билан таъминланганлик кўрсаткичлари (100 минг аҳолига нисбатан) ҳисоблаб чиқилди. Шунингдек, лаборатория турларининг функционал йўналиши ва ихтисослашув даражаси таҳлил қилинди.

Тадқиқотда қуйидаги усуллар қўлланилди: тавсифий статистик таҳлил; қиёсий таҳлил; динамик қаторларни таҳлил қилиш; вариацион статистика усуллари.

Олинган маълумотларга статистик ишлов беришда ўртача арифметик қиймат (M), стандарт оғиш (SD), нисбий кўрсаткичлар (%), ишонч интерваллари ҳисобланди. Маълумотларнинг тақсимланиш хусусияти Шапиро–Уилк тести орқали баҳоланди. Тақсимланиш хусусиятига қараб параметрик (Студент t -тести) ёки нопараметрик (Манн–Уитни U -тести) усуллардан фойдаланилди. Сифат кўрсаткичларини солиштиришда χ^2 (хи-квадрат) тести қўлланилди. Фарқлар ишончилиги $p < 0,05$ даражада статистик аҳамиятли деб қабул қилинди. Тадқиқотда ахлоқий таъмоилларга риоя этилди. Барча маълумотлар умумлаштирилган ва шахсий маълумотларсиз таҳлил қилинди.

Натижалар ва муҳокама. Лабораториялар тармоғининг лаборатория турлари бўйича тақсимланишига кўра, 2024-йилда Хоразм вилояти тиббиёт муассасаларида жами 435 та лаборатория фаолият юритиб, улар турли диагностик йўналишларни қамраб олди. Лабораториялар тар-

моғининг мазкур кўламда шакллانганлиги вилоятда аҳолига лаборатор-диагностик хизматлар кўрсатиш имкониятларининг кенглигини кўрсатади (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларига кўра, лабораториялар таркибида клиник лабораториялар (153 та) ва биокимёвий лабораториялар (150 та) етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу кўрсаткичлар умумий лабораториялар сонининг асосий қисмини ташкил этиб, аҳолига тақдим этилаётган лаборатор хизматлар асосан умумий клиник ва биокимёвий текширувларга йўналтирилганлигини кўрсатади. Бу ҳолат қон тизими, метаболик жараёнлар, юрак-қон томир ҳамда эндокрин касалликларни аниқлашда лаборатор текширувларга бўлган эҳтиёж юқорилигини тасдиқлайди.

Оилавий поликлиникалар таркибидаги лабораториялар сони 72 тани ташкил этиб, бирламчи тиббий ёрдам тизимида лаборатор диагностиканинг ўрни тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Бирламчи бўғинда лаборатор хизматларнинг мавжудлиги касалликларни эрта аниқлаш, беморларни ўз вақтида йўналтириш ҳамда асоратларнинг олдини олиш имконини беради. Шу билан бирга, 31 та оилавий шифокорлик пунктида лаборатория фаолият юритиши қишлоқ ҳудудларида аҳолининг лаборатор хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Қишлоқ врачлик пунктлари (3 та) ҳузуридаги лабораториялар сонининг камлиги ҳудудий тенглик масаласида айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Бу ҳолат чекка ҳудудларда яшов-

чи аҳолининг мураккаб лаборатор текширувлар учун юқори босқичдаги тиббиёт муассасаларига муурожаат қилишига сабаб бўлиши мумкин.

Серологик лабораториялар (21 та) ва ОИТС марказлари лабораториялари (5 та) сони нисбатан кам бўлиб, улуш жиҳатидан чекланганлигини ташкил этади. Ушбу лабораториялар юқумли ва иммунологик касалликларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамай, уларнинг чекланган сони айрим ҳолларда диагностика жараёнининг мураккабланишига олиб келиши мумкин. Айниқса, юқумли касалликлар мониторинги ва эпидемиологик назорат нуқтайи назаридан бундай лабораторияларнинг етарли даражада ривожланиши муҳим ҳисобланади.

Лабораториялар тармоғининг ҳудудий жойлашуви таҳлил натижаларига кўра, Хоразм вилоятида лаборатор-диагностик хизматлар туманлар бўйича нотекис тақсимланган бўлиб, бу ҳолат ҳудудий демографик юклама, тиббиёт муассасалари сони ва уларнинг ихтисослашув даражаси билан чамбарчас боғлиқ.

Лабораториялар сони бўйича Шовот, Боғот, Қўшқўпир ва Хазорасп туманлари етакчи ўринларни эгаллайди. Хусусан, Шовот ва Боғот туманларида жами 13 тадан лаборатория фаолият юритиб, уларнинг асосий қисми оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокорлик пунктлари тизимига тўғри келади (1-жадвал). Бу ҳолат мазкур ҳудудларда бирламчи тиббий ёрдам муассасаларининг кенг қамровда фаолият олиб бораётганини кўрсатади.

Хива тумани лаборатория инфратузилмаси жиҳатидан нисбатан ривожланган бўлиб, унда жами 15 та лаборатория мавжуд. Хива шаҳри эса атиги 3 та лаборатория билан таъминланган бўлиб, бу кўрсаткич шаҳар аҳолиси эҳтиёжларига нисбатан паст ҳисобланади ва юкламанинг вилоят марказий муассасаларига тушишига олиб келади.

Урганч туманида жами 11 та лаборатория фаолият юритиб, уларнинг асосий қисми оилавий поликлиникалар тизимида жойлашган. Бу аҳолига бирламчи босқичда диагностик хизматлар кўрсатиш имконини беради, бироқ мураккаб таҳлиллар учун беморлар вилоят даражасидаги марказларга йўналтирилади.

Янгиариқ тумани лаборатория таъминоти бўйича энг паст кўрсаткичлардан бирига эга бўлиб, унда жами 9 та лаборатория қайд этилган. Бу ҳолат аҳолининг лаборатор хизматлардан фойдаланиш имкониятларини чеклаши мумкин. Шунингдек, Тупроққалъа туманида атиги 5 та лаборатория мавжуд бўлиб, бу ҳудудда диагностик хизматларнинг етишмаслиги яққол сезилади.

Гурлан ва Хонқа туманларида лабораториялар сони мос равишда 12 тани ташкил этиб, ўртача кўрсаткичга эга. Ушбу ҳудудларда лабораториялар асосан клиник йўналишга ихтисослашган

бўлиб, биокимёвий ва бошқа ихтисослашган таҳлиллар улуши нисбатан пастроқ.

Вилоят миқёсида марказлар, диспансерлар, шифохоналар ва марказий поликлиникалар таркибида жойлашган лабораториялар алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, марказлар таркибида 11 та, диспансерларда 5 та, шифохоналарда 3 та лаборатория фаолият юритмоқда. Ушбу муассасалар юқори мураккабликдаги таҳлилларни бажаришда асосий юкламани ўз зиммасига олади.

Умуман олганда, таҳлил натижалари Хоразм вилоятида лаборатор-диагностик хизматлар ҳудудий жиҳатдан нотекис ривожланганини кўрсатади. Айрим туманларда лаборатория инфратузилмасининг етарли даражада шаклланганлиги аҳолининг сифатли ва ўз вақтида диагностик хизматлардан фойдаланиш имкониятларини чекламоқда. Шу сабабли келгусида лабораториялар сони ва турларини туманлар кесимида оптималлаштириш, айниқса паст кўрсаткичли ҳудудларда лаборатор хизматларни ривожлантириш долзарб ҳисобланади.

Хулоса:

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Хоразм вилоятида лаборатор-диагностик хизматлар тармоғи миқдорий жиҳатдан шаклланган ва соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларини қамраб олган. Бироқ тармоқнинг ички тузилмаси ва функционал ихтисослашув даражаси таҳлили муайян номутаносибликларни аниқлади. Жумладан, клиник ва биокимёвий лабораториялар улуши юқори бўлиб, улар умумий тармоқнинг асосий қисмини ташкил этмоқда. Шу билан бирга, серологик, иммунологик ва бошқа тор ихтисослашган лабораториялар улуши нисбатан паст даражада сақланиб қолмоқда.

Бу ҳолат диагностика хизматларининг чуқурлиги, замонавий текширув усулларини жорий этиш ҳамда юқори технологик лаборатор таҳлиллар кўламини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. Айниқса, юқумли ва юқумсиз касалликлар диагностикасида замонавий молекуляр-генетик, иммунологик ва скрининг усулларини ривожлантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳудудий жойлашув таҳлили лабораториялар тармоғи шаклланганлигини тасдиқлаган бўлса-да, туманлар кесимида ривожланиш даражаси бир хил эмаслиги аниқланди. Айрим ҳудудларда лабораториялар зичлиги ва турлар бўйича хилма-хиллиги юқори бўлса, бошқа туманларда хизматлар чекланган ёки асосан бирламчи даражадаги лаборатория текширувлари билан чекланиб қолган. Бу эса аҳолининг диагностика хизматларидан тенг фойдаланиш имкониятига таъсир кўрсатиши мумкин.

Таҳлил натижалари лабораториялар сони ва таркиби ҳудудларнинг демографик кўрсаткичлари, аҳоли зичлиги, тиббиёт муассасалари инфратузилмаси ҳамда ихтисослашув даражаси билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатди. Шу нуқтаи назардан, лаборатория хизматларини ривожлантиришда ҳудудий эҳтиёж ва эпидемиологик вазиятни инобатга олган ҳолда стратегик режалаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразм вилоятида лаборатор-диагностик хизматлар миқдорий жиҳатдан шаклланган бўлса-да, уларнинг ҳудудий мутаносиблигини таъминлаш, ихтисослашув даражасини ошириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш зарур. Келгусида лабораториялар тармоғини ривожлантиришда: ҳар бир тумanning аҳоли эҳтиёжи ва касалланиш тузилмасини ҳисобга олиш; юқори технологик ва марказлаштирилган лаборатория марказларини ташкил этиш;

бирламчи тиббиёт бўғинида диагностика имкониятларини кенгайтириш; кадрлар малакасини ошириш ва замонавий ускуналар билан таъминлаш; рақамли лаборатория ахборот тизимларини жорий этиш каби устувор йўналишларга эътибор қаратиш лаборатор-диагностик хизматлар сифатини, самарадорлигини ва аҳоли учун очиклигини оширишга хизмат қилади.

Шу тарзда, тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш тизимида лаборатория хизматларини ҳудудий оптималлаштириш ва бошқарув қарорларини илмий асослаш учун амалий аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Berte L. M. Quality management system: a model for laboratory services; approved guideline. – Clinical and Laboratory Standards Institute, 2011.
2. Dimeski G., Treacy O. Biochemical Tests for Diagnosing and Evaluation Stages of Chronic Kidney Disease //chronic kidney disease-Beyond the Basics. – Intechopen, 2022.
3. Gerace E. et al. Recent advances in the use of molecular methods for the diagnosis of bacterial infections //Pathogens. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – S. 663.
4. ISO G. R. et al. Quality management systems—requirements //Vol SS-EN ISO. – 2015. – Т. 9001.
5. Lippi G., Henry B. M., Mattiuzzi C. The Crucial Role of Laboratory Medicine in Addressing Future Public Health Infectious Threats: Insights Gained from the COVID-19 Pandemic //Diagnostics. – 2025. – Т. 15. – №. 3. – S. 323.
6. McPherson R. A., Pincus M. R. Henry's clinical diagnosis and management by laboratory methods E-book. – Elsevier Health Sciences, 2021.

7. Pradella M. Internal Quality Control in Medical Laboratories: Westgard and the Others //Laboratories. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – S. 15.

8. Rifai N. Tietz Textbook of Laboratory Medicine-E-Book: Tietz Textbook of Laboratory Medicine-E-Book. – Elsevier Health Sciences, 2022.

9. Sciacovelli L. et al. Quality indicators in laboratory medicine: state-of-the-art, quality specifications and future strategies //Clinical Chemistry and Laboratory Medicine (CCLM). – 2023. – Т. 61. – №. 4. – S. 688-695.

10. World Health Organization. Report of the first meeting of the WHO Diagnostic Technical Advisory Group for Neglected Tropical Diseases, Geneva, Switzerland, 30–31 October 2019. – World Health Organization, 2020.

11. Kurbanova NN et al. The effect of new plant hepatoprotectors on the level of proinflammatory cytokines in acute toxic liver damage. //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – Vol. 24, Issue 08, 2020. – Page. 8910-8920.

12. Курбанова.Н.Н., Бахтиёрова.А.М. Ҳудудда лаборатория хизматларини ташкил қилишнинг асосий тенденциялари ва муаммолари. Замонавий клиник лаборатор ташхиси долзарб муаммолари, 2022, №1. Б. 28-29.

ОЦЕНКА ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ СЕТИ ЛАБОРАТОРНО-ДИАГНОСТИЧЕСКИХ СЛУЖБ В МЕДИЦИНСКИХ УЧРЕЖДЕНИЯХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

Нурметова Ю.Б.

Резюме. Данное исследование посвящено оценке территориальной сети лабораторно-диагностических служб в медицинских учреждениях Хорезмской области и определению возможностей её совершенствования. В качестве материала исследования использованы официальные статистические данные, текущая отчетная документация и нормативно-правовые акты, регламентирующие деятельность лабораторных подразделений за 2021–2024 годы. Установлено, что в области функционирует 435 лабораторий, включающих клинические, биохимические, серологические лаборатории, а также лаборатории в структуре учреждений первичного звена здравоохранения. Статистическая обработка данных проведена с применением методов вариационной статистики. Полученные результаты свидетельствуют о сформированной сети лабораторно-диагностических служб в Хорезмской области, способной обеспечивать основные потребности населения. Вместе с тем выявлена необходимость увеличения числа специализированных лабораторий, снижения территориальной диспропорции и повышения качества лабораторных услуг.

Ключевые слова: лабораторная диагностика, территориальная сеть, качество обслуживания, медицинские учреждения, Хорезмская область.